



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil «31» Dekabry

№ 831

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўrnak кўrsatgan ходимларини моддий рағbatлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлигини ҳамда мактаблар раҳбарлари ва педагогик жамоаларнинг масъулиятини янада ошириш, умумтаълим муассасаларининг ўrnak кўrsatgan ходимлари фаолиятининг натижадорлиги асосида уларни рағbatлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўrnak кўrsatgan ходимларини моддий рағbatлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 9-сон, 231-модда) иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “**31**” декабрдаги**831**-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг
ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини
такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарорига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Кўйидаги мазмундаги 2¹-банд қўшилсин:

“²¹. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази якунланган ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг олий таълим, ўрта маҳсус таълим муассасаларига ўқишига қабул қилинган 11-синф битирувчилари рўйхатини ҳар календарь йилининг IV чораги якунига қадар Халқ таълими вазирлигига тақдим этиб борсин”.

2. Қарорга 1-илова (Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом)да:

а) 4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган педагог (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизи), психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш йўли билан уларни моддий рағбатлантириш”;

б) 12-бандда:

“а” кичик бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгиланган педагог ходимлар сони умумтаълим муассасасида фаолият кўрсатаётган жами педагог ходимлар умумий сонининг 50 фоизидан ошиб кетмаслигини назорат қиласи”; тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ўқув йили давомида базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгиланган педагог, психолог ва кутубхона ходимлари фаолиятининг натижадорлиги бўйича ушбу Низомга 2, 2а, 2б-иловалар билан тасдиқланган шакллар асосида тизимли ички мониторинг юритади”;

“б” кичик банднинг биринчи хатбошидаги “ўқитувчилар” сўзи “педагог, психолог” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 15-банднинг биринчи хатбошидаги “ота-оналар қўмитаси” сўзлари “кузатув кенгashi ва ўқувчилар ота-оналари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 16-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 17-банддаги “мукофотлаш” сўзи “ходимларни мукофотлаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 25-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсін:

“25. Умумтағым муассасасининг педагог ходимлари фаолияти давомида халқаро бақолаш дастурлари бүйіча халқаро тадқиқотларга ўқувчиларни тайёрлаб бориш ишларига муносиб ҳисса құшган педагог ходимларға мазкур Низомнинг 21-бандыда күрсатылған устамалар ўрнига базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 100 фоиз бўлган устама ҳақ тўланади.

Ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан 100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар педагог ходимлар рўйхати Ишчи гурухнинг қарори асосида халқаро бақолаш тадқиқотлари туркумiga кирувчи фанлар доирасида шакллантирилади ҳамда умумтағым муассасаси директори томонидан туман (шахар) халқ таълими бўлимiga ҳар йили 1 марта қадар тақдим этилади.

100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар педагог ходимларнинг машғулот олиб борадиган фанлари бүйіча ўқувчиларининг билимлари халқаро бақолаш дастурлари интеграция қилинган назорат материаллари асосида ўтказиладиган синовлар натижаларига кўра аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ташки мониторинг натижаларига кўра, ўқувчилар ўртача 80 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткичга эга бўлганда, Ишчи гурух томонидан ўқитувчига янги ўқув йилидан бошлаб базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 100 фоиз устама ҳақ белгиланади”;

е) қуидаги мазмундаги 25¹-банд қўшилсін:

“25¹. Халқаро бақолаш дастурлари интеграция қилинган назорат материаллари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Таълим сифатини бақолаш бүйіча халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази билан ҳамкорликда Республика таълим маркази томонидан тайёрланади.

Республика таълим маркази томонидан тайёрланган назорат материаллари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан 100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар педагог ходимларнинг машғулот олиб борадиган фанлари бүйіча ўқувчиларининг билимлари ташки мониторинг тарзида ўқув йили якунига қадар бақоланади ҳамда 100 фоизлик устама ҳақ олиш ҳуқуқини қўлга киритган педагог ходимлар (устама олиш даврида) шартли равищда “Аъло даражали” педагоглар деб юритилади.

Даъвогар ўқитувчи дарс машғулотлари олиб борадиган синфларнинг 30 фоизи туман (шахар) халқ таълими бўлимларининг ташки мониторинг жараёнида қамраб олиниши шарт”;

ж) 26-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсін:

“26. Умумтағым муассасасида ўқув-тарбия жараёни сифатини янада яхшилаш, фанлараро интеграцияни кучайтириш, таълим ва тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, STEAM ёндашувини самарали татбик этиш, таълим жараёнида педагог ходимларга ўз вактида методик

ёрдамни ташкил этиш, уларнинг касбий ва методик маҳоратини ҳамда малакасини оширишда фаоллиги учун Ишчи гурӯҳнинг қарори билан (мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган ўқитувчилар умумий сонининг 50 фоизидан ташқари) умумтаълим муассасасининг фан йўналишлари бўйича услубий бирлашмалари раҳбарлари базавий тариф ставкаларига 10 фоиз ҳар ойлик устама ҳақ белгиланиши мумкин”;

з) 27-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“27. Умумтаълим муассасасининг раҳбар ходимларига (директор, директорнинг ўқув ишлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари) ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқитувчиларига мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди, Халқаро математика олимпиадаси – International Mathematical Olympiad (IMO), Халқаро физика олимпиадаси – International Physics Olympiad (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси – International Chemistry Olympiad (IChO), Халқаро биология олимпиадаси – International Biology Olympiad (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси – International Olympiad in Informatics (IOI) – фан олимпиадаларида ўқувчилари голибликни қўлга киритган мактаб раҳбари (директор) бундан мустасно”;

и) 30-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“30. Халқаро математика олимпиадаси – International Mathematical Olympiad (IMO), Халқаро физика олимпиадаси – International Physics Olympiad (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси – International Chemistry Olympiad (IChO), Халқаро биология олимпиадаси – International Biology Olympiad (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси – International Olympiad in Informatics (IOI) голибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун Жамғарма маблағлари хисобидан олтин, кумуш ва бронза медалларига қараб тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама ҳақ тўланади”;

к) қуидаги мазмундаги 30¹ ва 30²-бандлар қўшилсин:

“30¹. Умумтаълим муассасалари битиравчиларининг олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш кўрсаткичлари асосида ҳар йили 1 февралга кадар ўтган йилги эришилган натижалардан келиб чиқиб, Жамғарма маблағлари хисобидан умумтаълим муассасалари раҳбар ходимлари қуидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилади:

ўқувчиларининг 90 фоизи ва ундан ортиқ қисми олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган ва (ёки) ишга жойлашган умумтаълим муассасаларининг директорлари – 12 баравар, директори ўринбосарлари – 6 баравардан;

ўқувчиларининг 85 – 89 фоиз қисми олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган ва (ёки) ишга жойлашган умумтаълим муассасаларининг директорлари – 9 баравар, директор ўринбосарлари – 4,5 баравардан;

ўқувчиларининг 80 – 84 фоиз қисми олий ҳамда профессионал таълим ташкилотлариiga ўқишига қабул қилинган ва (ёки) ишга жойлашган умумтаълим муассасаларининг директорлари – 6 баравар, директор ўринбосарлари – 3 баравардан.

30². Мазкур Низомнинг 30¹-бандида назарда тутилган пул мукофотларини тайинлаш туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг мурожаатига кўра худудий халқ таълими бошқармаларининг тегишли буйруғи асосида амалга оширилади.

Бунда:

ўқувчиларнинг умумий сонини ҳисоблаганда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ўқувчилар ҳисобга олинмайди;

умумтаълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиш кўрсаткичлари улар мактабни тамомлаган вақтдан бошлаб жорий йил якунига қадар бўлган даврда З ойдан ортиқ вақт давомида фаолият юритган ҳолларда шахсий жамғарib бориладиган пенсия тизими ёки “Ягона миллий меҳнат тизими” маълумотлари асосида шакллантирилади;

олий ҳамда профессионал таълим ташкилотлариiga ўқишига қабул қилинган ўқувчилар сони ушбу Низомнинг 30¹-банди иккинчи-тўртинчи хатбошиларида белгиланган фоиз қисмининг камида учдан бир қисмини ташкил этиши лозим;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ўз мурожаатида мазкур Низомнинг 30¹-бандида қайд этилган кўрсаткичларни асословчи ҳужжатлар билан биргаликда тасдиқланган ҳолда тегишли худудий халқ таълими бошқармаларига тақдим этади;

Қоракалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари эришилган кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини текшириб кўради ҳамда тасдиқланган маълумотлар асосида мактаб директори ва директор ўринбосарларини мукофотлаш бўйича тегишли буйруқ қабул қиласи ва ушбу буйруқ мукофотларни тўлаш учун асос ҳисобланади”;

л) 32 ва 33-бандлар қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“32. Президент мактабларига танлов асосида қабул қилинган ҳар бир ўқувчи учун тегишли умумтаълим муассасасининг мос (танлов, мусобака, имтиҳон фанлари) фан ўқитувчиси мазкур Низомнинг 29-бандидан ташқари Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий тариф ставкасининг икки баравари миқдорида бир йўла мукофот пули тўлаш йўли билан рағбатлантирилиши мумкин.

33. Умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда, яъни яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, ходим ва унинг яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) оғир жароҳат олганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий оғатдан зарар кўрганда кўрсатилади”;

м) Низомга 1-илованинг матни қуидаги таҳрирда баён қилинсин:
**“Педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг фаолиятини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ”**

1. Умумтаълим муассасаларидағи ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар уларнинг касбий маҳорати, маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун қуидаги мезонлар асосида белгиланади:

Т/р	Кўрсаткичлар	Амалга оширилган аниқ ишларнинг қисқача таърифи, унинг натижалари (самарадорлиги), кўлланилаётган шакли ва услуби, ўтказилган машғулотларнинг сони, ўқувчилар қамровининг ўртacha сони	Рейтинг баҳоси		
			Макси- мал балл	Фаолият натижалари га кўра қўйила- диган баллар	Кўрсаткичлар
1.	Ўқувчилар- нинг чораклик баҳоларининг ўртacha қиймати	Ўқитувчи дарс ўтаётган синфлардаги ўқувчиларнинг чораклик ўртacha баҳолари ўзлаштиришнинг сифат (“4” ва “5” баҳо) кўрсаткичи асосида аниқланади	5	3	Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 56-70 фоизини, шу жумладан, мураккаб фанлар (она тили, рус тили, чет тили, математика, физика, кимё, биология) йўналишларида 56-65 фоизини ташкил этганда
				4	Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 71-85 фоизини, шу жумладан, мураккаб фанлар (она тили, рус тили, чет тили, математика, физика, кимё, биология) йўналишларида 66-80 фоизини ташкил этганда
				5	Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 86 фоизи ва ундан юқорини, шу жумладан, мураккаб фанлар (она тили, рус тили, чет тили, математика, физика,

					кимё, биология) йўналишларида 81 фоиздан юқорини ташкил этганда
2.	*“Фан олимпиадаси” ва бошқа кўрик танловлар, мусобақаларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчисининг иштироки	Ўқувчиларининг олимпиада, танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирлардаги иштироки ва натижалари асосида баҳоланади	30	10	Туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирларда қатнашиб, ўқувчилари энг қуий голиб кўрсаткичининг 55 фоизидан юқори натижаларни кўрсатганда
				20	Туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирларда қатнашиб, ўқувчилари энг қуий голиб кўрсаткичининг 70 фоизидан юқори натижаларни кўрсатганда
				30	Туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари 1-, 2-, 3-уринларни эгаллаганда
3.	** Танлов ва бошқа тадбирларда бошлангич синф ўқувчиларининг иштироки	Бошлангич синф ўқувчиларининг мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирлардаги иштироки натижалари асосида баҳоланади	30	10	Мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 55-70 фоизни ташкил этганда
				20	Мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 71-85 фоизни ташкил этганда
				30	Мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 86-100 фоизни ташкил этганда

4.	Ўқитувчи иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги	<p>Ўқитувчи иш фаолияти мактаб, туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилади (ўқитувчининг фаолияти баҳолаш даврига нисбатан сўнгги 3 ийликда оммалаштирилганлиги)</p>	15	7	Иш тажрибаси мактаб миқёсида оммалаштирилганда
				10	Иш тажрибаси туман (шаҳар) миқёсида оммалаштирилганда
				12	Иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилганда
				15	Иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилганда
5.	Педагогик иш стажи	<p>Таълим муассасаларидағи педагог ходимнинг иш стажига қараб баҳоланади</p>	10	4	педагогик иш стажи 1 йилдан 5 йилгача
				7	педагогик иш стажи 5 йилдан 10 йилгача
				10	педагогик иш стажи 10 йил ва ундан юкори
6.	Синф раҳбарлиги	<p>Синф раҳбарлиги юқлатилганлиги</p>	5	0	Синф раҳбарлиги юқлатилмаган бўлса
				5	Синф раҳбарлиги юқлатилган бўлса
7.	Малака ошириш курсларидан ўтганлиги	<p>Режа асосида</p>	10	0	Ўз вақтида малака ошириш курсларида катнашмаган бўлса
				2	Малака ошириш курслари якунига кўра якуний аттестациядан ўта олмаган ва тегишли сертификатга эга бўлмаса
				10	Ўз вақтида малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишли сертификатга эга бўлса ***
8.	Синфдан ташқари ишлар	Ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижодкорлик ва санъатга қаратилган кўшимча	15	5	Креативликни рағбатлантиришига қаратилган тадбирларни (фотокўргазмалар, ҳунармандчилик, мусика ва театр саҳналари каби) ташкил этган бўлса

		машғулотлар олиб бориш		10	Үқувчиларни фикрлашга ўргатувчи ва дунёқарашини кенгайтирувчи, янги күнікмалар берувчи құшимча машғулотлар (дебат ва ҳикоя қилиш клублари, мактаб радиоси/газетаси/веб-сайты, ахборот таҳлилий машғулотлари) олиб борса
				15	Үқувчиларни изланишга ундоччи ишларни (иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш, нутқ санъати тадбирлари) олиб борса
				0	Сўровномада қатнашганлар Кенгаш аъзолари сонига нисбатан “ижобий фикр” билдирганлар улуши 50 фоиздан паст бўлса
9.	Ўқитувчининг педагогик фаолияти баҳоси	Ўқитувчининг педагогик фаолиятига ўқувчилар (ўқитувчи дарс берадиган синflардаги ўқувчиларнинг камида 60 фоизи ўртасида) ва баҳолашда қатнашган Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида ўтказиладиган сўровнома натижалари (ижобий фикрлари) асосида аникланади	5	5	Сўровномада қатнашганлар Кенгаш аъзолари сонига нисбатан “ижобий фикр” билдирганлар улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлса
				0	Сўровномада қатнашганлар ўқувчилар сонига нисбатан “ижобий фикр” билдирганлар улуши 60 фоиздан паст бўлса
				5	Сўровномада қатнашганлар ўқувчилар сонига нисбатан “ижобий фикр” билдирганлар улуши 60 фоиз ва ундан юқори бўлса
				0	Сўровномада қатнашганлар ўқувчилар сонига нисбатан “ижобий фикр” билдирганлар улуши 60 фоиздан паст бўлса
				5	Сўровномада қатнашганлар ўқувчилар сонига нисбатан “ижобий фикр” билдирганлар улуши 60 фоиз ва ундан юқори бўлса
МАКСИМАЛ БАЛЛ:			100		

*) фақат юқори синф (5-11-синф) ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда қўлланилади;
**) фақат бошлиғиңиң синф (1-4-синф) ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда қўлланилади;

***) ўқитувчи бир неча фандан дарс берган тақдирда, унинг фаолияти ҳар бир фан бўйича алоҳида баҳоланади, олий таълим муассасасини битириб келган мутахассисларга 3 йилгача ҳамда педагог ходимга боғлиқ бўлмаган ҳолда тегишили малака оширии курслари ташкил этилмаган тақдирда, мазкур кўрсаткич бўйича максимал балл берилади;

2. Умумтаълим муассасаларидаги кутубхона ходимларининг фаолияти 100 баллик тизимда қуидаги мезонлар асосида баҳоланади:

T/p	Мезонлар	Максимал балл	Фаолият натижаларига кўра қўйиладиган баллар	Кўрсаткичлар
1.	Кутубхона бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши	10 балл	0	Номугахассислар
			10	Ўрта маҳсус ёки олий маълумотли мутахассис бўлса
2.	Малака оширишдан ўтганлиги	10	0	Ўз вақтида малака ошириш курсларида қатнашмаган бўлса
			2	Малака ошириш курслари якунига кўра якуний аттестациядан ўта олмаган ва тегишили маълумотнома ёки сертификатга эга бўлмаса
			10	Ўз вақтида малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишили маълумотнома ёки сертификатга эга бўлса
3.	Кутубхоначи лавозимидағи иш стажи	20	5	Кутубхоначиликка оид иш стажи 1 йилдан 5 йилгача
			10	Кутубхоначиликка оид иш стажи 5 йилдан 10 йилгача
			20	Кутубхоначиликка оид иш стажи 10 йил ва ундан юкори
4.	Мактабда эҳтиёжга кўра дарсликлар бўйича буюртмаларнинг тўғри шакллантирилганлиги	30	0	Буюртмаларни шакллантиришда 10 фоиздан ортиқ хатоликлар мавжуд бўлса ва дарсликлар билан таъминланганлик 80 фоиздан паст бўлса
			10	Буюртмаларни шакллантиришда 10 фоизгача хатоликлар мавжуд бўлса ва дарсликлар билан таъминланганлик 80-89 фоизни ташкил этса

			20	Буюртмаларни шакллантиришда 5 фоизгача хатоликлар мавжуд бўлса ва дарсликлар билан таъминланганлик 90 - 95 фоизни ташкил этса
			30	Буюртмалар тўғри шакллантирилган ва дарсликлар билан таъминланганлик 96 – 100 фоизни ташкил этса
			10	Ҳар ойда умумий ўқувчиларнинг 1 фоиздан 30 фоизгача жалб қилинган бўлса
5.	Ўқувчиларнинг кутубхонага жалб қилиниши	30	20	Ҳар ойда умумий ўқувчиларнинг 30 фоиздан 50 фоизгача жалб қилинган бўлса
			30	Ҳар ойда умумий ўқувчиларнинг 50 ва ундан юкори фоизи жалб қилинган бўлса
МАКСИМАЛ БАЛЛ:		100		

3. Умумтаълим муассасаларидағи психолог ходимларнинг фаолияти 100 баллик тизимда қуидаги мезонлар асосида баҳоланади:

T/p	Мезонлар	Максимал балл	Фаолият натижаларига кўра қўйиладиган баллар	Кўрсаткичлар
1	Психология бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши	10	5	Олий маълумотли мутахассиснинг (ёки қайта тайёрловдан ўтган мутахассис) соҳадаги иш стажи 1 йилдан 5 йилгача бўлса
			10	Олий маълумотли мутахассиснинг (ёки қайта тайёрловдан ўтган мутахассис) соҳадаги иш стажи 5 йил ва ундан юкори бўлса
2	Малака оширишдан ўтганлиги	10	0	Ўз вақтида малака ошириш курсларида катнашмаган бўлса
			10	Ўз вақтида малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишли сертификат (хужжат)га эга бўлса

			15	Коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларга мұхтож бўлган ўқувчиларни тўлиқ қамраб олиш юзасидан иш олиб борилганлиги ҳамда 7-синфдан интерактив сўровномалар ўтказиш ва шу асосда касб-ҳунарга бўлган қизиқишини аниқланлиги ва уларнинг маълумотлар базаси яратилганлиги
3	Синфдан ташқари профилактика, касбга йўналтириш ишларини олиб бориш ҳамда коррекцион ва ривожлантирувчи машғулотлар	45	30	Эмоционал-хиссий зўриқишилар, хавотирлик даражаси юқори ва ўзига ишончи паст бўлган болалар учун коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар ташкил этиш, ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида семинар-тренинглар ҳамда соҳа мутахассислари билан давра сұхбатларини ўтказганлиги, шунингдек, касбий мойиллиги бўйича келгусида аниқ ишчи касблар бўйича профессионал таълим олиши мумкин бўлган ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишлари олиб борилганлиги
			45	Мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўғри йўналтириш юзасидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлиги ҳамда таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш бўйича статистик маълумотлар жамланганлиги, коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларга мұхтож бўлган ўқувчиларни, ота-оналар ва педагоглар тўлиқ қамраб олингани ва ўкувчи-ёшлар ўртасида девиант хулқ автор кўринишларининг (зўравонлик, ўз жонига қасд қилиш, эрта туғрук) мавжуд эмаслиги
4	Ижодий ишлар	20	10	Конференция ва семинарларда маъруза ёки тезислар билан иштироки (камида 2 марта)
			20	Ишлаб чиқилган методик тавсиялар ҳамда қўлланмалар ёки илмий мақола ва тезислари чоп этилганлиги (камида 2 марта)

5	Умумтаълим муассасаси Кузатув кенгashi va ўкувчиларнинг психолог фаолиятига берган баҳоси	5	0	Сўровномада қатнашганлар Кузатув кенгashi аъзолари сонига нисбатан “Ижобий фикр” билдирганлар улуши 70 фоиздан паст бўлса
			5	Сўровномада қатнашганлар Кузатув кенгashi аъзолари сонига нисбатан “Ижобий фикр” билдирганлар улуши 70 фоиз ва ундан юқори бўлса
		5	0	Сўровномада қатнашганлар Педагогик кенгаш аъзолари сонига нисбатан “Ижобий фикр” билдирганлар улуши 70 фоиздан паст бўлса
			5	Сўровномада қатнашганлар Педагогик кенгаш аъзолари сонига нисбатан “Ижобий фикр” билдирганлар улуши 70 фоиз ва ундан юқори бўлса
		5	0	Сўровномада қатнашган ўкувчилар сонига нисбатан “Ижобий фикр” билдирганлар улуси 70 фоиздан паст бўлса
			5	Сўровномада қатнашган ўкувчилар сонига нисбатан “Ижобий фикр” билдирганлар улуши 70 фоиз ва ундан юқори бўлса
МАКСИМАЛ БАЛЛ:		100		”.

н) Низомга 2-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“

вилояти _____ тумани (шаҳри) _____-сон мактабнинг
фани ўқитувчиши _____
нинг 20__-20__ ўқув йилидаги фаолиятига Умумий ўрта таълим муассасаларининг
ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил
этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом асосида
берилган
БАҲОЛАР

T/p	Кўрсаткичлар	Макси мал балл	Ўқитувчи фаолиятин инг қисқача таснифи	Фаолият натижалар ига кўра кўйилган балл
1	Ўқувчиларнинг чораклик баҳоларининг ўртacha қиймати	5		
2	*“Фан олимпиадаси” ва бошқа кўрик танловлар, мусобақаларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчисининг иштироки	30		
3	**Танлов ва бошқа тадбирларда бошланғич синф ўқувчиларининг иштироки			
4	Ўқитувчи иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги	15		
5	Педагогик иш стажи	10		
6	Синф раҳбарлиги юклатилганлиги	5		
7	***Малака ошириш курсларидан ўтганлиги	10		
8	Синфдан ташқари ишлари	15		
9	Кузатув кенгаши аъзоларининг ўқитувчининг педагогик фаолиятига берган баҳоси	5		
	Ўқитувчи дарс берадиган синфлардаги ўқувчиларнинг ўқитувчининг педагогик фаолиятига берган баҳоси	5		
ЖАМИ:		100		

*) фақат юқори синф (5-11-синф) ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда қўлланилади;

**) фақат бошланғич синф (1-4-синф) ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда қўлланилади;

***) ўқитувчи бир неча фандан дарс берган тақдирда, унинг фаолияти ҳар бир фан
бўйича алоҳида баҳоланиади, олий ўқув юртини битириб келган мутахассисларга З йилгача
ҳамда педагог ходимга боғлиқ бўлмаган ҳолда тегишили малака ошириш курслари ташкил
этилмаган тақдирда, мазкур кўрсаткич бўйича максимал балл берилади;

Ишчи гурух раиси: _____

Ишчи гурух аъзолари: _____, _____, _____, _____, _____, _____, _____, _____, _____, _____;

о) Низомга 2а-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ _____ вилояти _____ тумани (шаҳри) _____-сон мактабнинг
кутубхона ходими _____ нинг
20__ -20__ ўқув йилидаги фаолиятига Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак
кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш
ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом асосида берилган
БАҲОЛАР

T/p	Кўрсаткичлар	Максимал балл	Фаолиятнинг кисқача таснифи	Фаолият натижаларига кўра қўйилган балл
1	Кутубхона бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши	10		
2	Малака оширишдан ўтганлиги	10		
3	Кутубхоначи лавозимидағи иш стажи	20		
4	Мактабда эҳтиёжга кўра дарсликлар бўйича буортмаларнинг тўғри шакллантирилганлиги	30		
5	Ўқувчиларнинг кутубхонага жалб қилиниши	30		
ЖАМИ:		100		

Ишчи гурӯҳ раиси: _____

Ишчи гурӯҳ аъзолари: _____, _____, _____, _____, _____;

л) Низомга 2б-илованинг матни қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ _____ вилояти _____ тумани (шахри) _____-сон мактабнинг
психолог ходими _____ нинг
20 __ -20 __ ўкув йилидаги фаолиятига Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўннак
кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш
ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом асосида берилган

T/p	Кўрсаткичлар	Макси мал балл	Психолог фаолиятин инг қисқача таснифи	Фаолият натижалар ига кўра кўйилган балл
1	Психология бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши	10		
2	Малака оширишдан ўтганлиги	10		
3	Синфдан ташқари профилактика, коррекцион ва ривожлантирувчи машгулотлар	45		
4	Ижодий ишлар	20		
5	Умумтаълим муассасаси Кузатув кенгashi ва ўқувчиларнинг психолог фаолиятига берган баҳоси	5		
		5		
		5		
ЖАМИ:		100		

Ишчи гуруҳ раиси: _____
Ишчи гуруҳ аъзолари: _____, _____, _____, _____,

